Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 21-aprel, seshanba, № 49 (3554)

“Шуни унутмангки, келгусида эришадиган ҳар бир ғалабангиз — юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!”

Ислом КАРИМОВ

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Иордания Подшоҳи — **Абдуллоҳ II бин ал-Ҳусайн**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ва мудофаа вазири — **Абдуллоҳ Энсур**

Баҳрайн Подшоҳи — **Ҳамад бин Исо Ол Халифа**

Венгрия Президенти — **Янош Адер**

Болгария Республикаси Президенти — **Росен Плевнелиев**

Нидерландия Қироллиги Бош вазири — **Марк Рютте**

“Эйрбас Хеликоптерс” компаниясининг Европа бўйича раҳбари — **Оливьер Мишалон**

Собиқ конгрессмен, АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Халқаро муносабатлар қўмитасининг Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ва атроф-муҳитни глобал муҳофаза қилиш кичик қўмитаси раиси — **Эни Фалеомаваега**

“Италия-Ўзбекистон” қўшма савдо палатаси президенти — **Луижи Иперти**

Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институти президенти — **Тиберио Грациани**

“Ван де Виль” компаниясининг бош ижрочи директори — **Чарльз Буадин**

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Жаҳон классик мусиқа ихлосмандлари томонидан “фортепъяно шаҳзодаси” дея эътироф этилаётган Шоҳруҳ Бахтиёров учун Моцарт, Бах, Чайковский каби буюк композиторларнинг асарларидан намуналар ижро этиш ёки ўзбек тилида сўзлаша оладиган робот яратган Олимжон Тўйчиев учун шу йўналишда бетиним илмий изланишлар олиб бориш нафас олишдек бир гап.

Гулистонлик Дилбар Холжигитова учун эса таэквондонинг ITF тури билан шуғулланиш худди шундай одатий ҳол...

ТАЙЁРЛАНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛМОҚДА

Гулистон шаҳрида 18 апрел куни таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Дилбар Холжигитовага Президентимиз совғалари топширилди

Бу ҳақда тафсилотга берилмасликнинг иложи йўқ. Тўққиз карра мамлакат, икки карра Осиё ва икки карра жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори деган юксак номларга сазовар бўлган 20 ёшли бу қиз шу йилнинг март-апрел ойларини бир умр эслаб юрадиган бўлди. Боиси...

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг шароитлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Уч босқичли спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари анъанавий ўтказиб келинаётгани ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Юксак маънавиятли, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама етук ёшлар — юрт келажаги. Мамлакатимизда уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

НАВҚИРОН АВЛОД ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Ушбу йўналишда касаба уюшма ташкилотларининг амалга ошираётган тизимли фаолияти ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши масъул котиби Дўстмурод Тўйчиев мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг изчил амалга оширилаётгани навқирон авлод вакилларига куч-қудрат ва бемисл илҳом бахш этмоқда. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фаолликни ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, бандлигини таъминлаш борасидаги хайрли ишлар кўлами кенгайтирилди.

Ўзбекистонда 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ушбу хайрли ишларнинг мантиқий давоми сифатида ақлан етук, жисмонан бақувват, маънан соғлом авлодни камолга етказиш борасидаги ислоҳотларнинг узвийлигини таъминлаб, эзгу фаолиятимизга дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дастурда юксак маънавиятли, мустақил фикрли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга авлодни тарбиялаш жараёнида уларнинг турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитларни яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш борасида қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Ушбу дастур асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда касаба уюшмалари ёшларнинг иштирокини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишларидаги ишлар бошлаб юборилди.

(Давоми 3-саҳифада).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 20 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини **шу йилнинг 15 май куни** Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Электрон тижорат тўғрисида»ги** (янги таҳрири), **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги** қонунлар ҳамда социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини, ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш назарда тутилган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлис кун тартибига халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари ҳам киритилади.

Шулар билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар **Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги** масалаларни муҳокама қиладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ТАДБИРКОРЛИК

“Ишчилар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида салкам 2,5 гектар майдон анчадан бери қаровсиз ётарди. Термизлик тадбиркорлар Рустам Неъматуллаев, Шавкат Абдураҳмонов, Ойбек Олимназаров ва Хўжаёр Бўроновлар гапни бир жойга қўйиб, уни сотиб олишди ва чинни-фаянс буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Сурхон-Термиз чинни” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишди.

ТЕРМИЗ ЧИННИСИ

Ҳамкорлар чинни буюмлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиб, “Алоқабанк”нинг вилоят филиалидан 7,4 миллиард сўм миқдорида кредит олишди. Хитойдан соҳага доир мутахассислар таклиф этилди, технология келтирилди. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидан, Шеробод ҳудудидаги Жерданак конидан хомашё келтирилиб, 14 турда чойнак-пиёла, кўза, гулдон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

— Жамиятимизда 150 нафар ишчи (тенг ярми коллеж битирувчилари) меҳнат қилаётир, — дейди МЧЖ раҳбари Рустам Неъматуллаев. — Айни пайтда кунига ўн олти минг дона маҳсулот тайёрланаяпти. Ишчиларга қулай шарт-шароит яратилган. Махсус иш кийими билан таъминланган. Келгусида маҳсулотларимиз турини 36 тага етказиш ниятидамиз. Шу тариқа коллеж битирувчиларидан яна 50 нафари учун иш ўрни яратилади.

Ўз мухбиримиз

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

Юртбошимизнинг “1941-1945-йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони кексаларга бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин намунасидир. Бундай савоб ишларга мамлакатимизда йил сайин эътибор кучайиб бормоқда. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя йўналишида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида “Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак” деган шиор ҳар бир инсоннинг кундалик шиорига айланиб бормоқда. Зеро, кексаларни эъзозлаган, улар ҳурматини жойига қўйган эл ҳеч қачон кам бўлмайди.

Мазкур йўналишдаги ишларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами олдидан ҳудудларда “Касаба уюшмалари — фахрийларга” анъанавий акцияси ўтказилиб, унинг доирасида ёши улуғ инсонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул ва имтиёзли соғломлаштириш, уй-жойларини таъмирлаш ва коммунал тўловларни қоплаб бериш бўйича тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл ва Беруний туманларида худди шундай тадбирлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар доирасида 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан 20 нафарига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши томонидан ажратилган манзилли ёрдам етказилди. Кекса отахон ва онахонлар учун ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда уларнинг бой ҳаётий тажрибалари тўғрисидаги ҳикоялар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, акция доирасида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг Қорақапоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси ва туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бир гуруҳининг уйларини таъмирлаш ҳамда хонадонларидаги томорқаларини обод этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

— Бу каби эзгу ишлар “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида амалга оширилмоқда, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг Қорақапоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Қалжон Бекманова. — Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ўзларига кўрсатилаётган бу каби эътибор ва эъзоздан барча уруш ва меҳнат фахрийларининг боши осмонга етиб, инсонга эътибор олий қадрият ҳисобланган диёримизнинг янада обод бўлиши, мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг абадий бўлишини тилаб, дуога қўл очмоқдалар. Мана шундай ҳур Ватанда яшаётганлари учун шукроналар айтмоқдалар.

Бундай тадбирлар Республикамизнинг барча ҳудудларида қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати

***

Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жойлардаги тармоқ ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда.

Ватанимиз истиқлолини, турмушимиз ободлигини, халқимизнинг осойишталигини, фаровон ҳаётини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларни хотирлаш мақсадида “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида турли тадбирлар ўтказмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch

2015-yil 21-aprel, seshanba, № 49 (3554), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАЙЁРЛАНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари барпо этилди. Улар замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланган. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланаётир.

Шаҳару қишлоқларда бунёд этилган шундай замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

Бунинг самарасида ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришиб, Ватанимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқда. Юксак марраларни кўзлаётган йигит-қизларнинг ғалабаларига шоҳид бўлаётган ота-оналар, болалар қалбида ҳам спортга меҳр уйғонмоқда. Бундай ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада юксалишига хизмат қилаётир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти филиалидан олинган маълумотларга кўра, 2003-2014 йилларда вилоятда жамғарма маблағлари ҳисобидан 89 иншоот қурилиб, реконструкция қилинган. Унинг қарийб 90 фоизи қишлоқ жойларда қад ростлаган. Бу ишлар навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратмоқда, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб воя га етишига хизмат қилаётир.

— Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган замонавий шарт-шароитларда маҳоратини ошираётган сирдарёлик ёш спортчилар турли нуфузли мусобақаларда муваффақиятларга эришмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти филиали директори У.Йўлдошев. — Хусусан, 2014 йилда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Раъно Турсунбоева олтин медални қўлга киритди. 9-17 июн кунлари Таиландда шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Васфия Бердиқулова тенгсиз, деб топилди. 26-28 июнь кунлари Японияда армрестлинг бўйича ташкил этилган Осиё чемпионатида Отабек Жабборов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Ёш спортчиларимизнинг бундай натижаларга эришишида мураббийларнинг хизмати катта. Вилоятдаги 341 спорт иншоотларида мингдан зиёд юқори малакали мутахассис 41 минг 438 ўғил-қизга спортнинг қирққа яқин тури бўйича сабоқ бераётир.

...Гулистон шаҳри “Фарҳод” маҳалласида истиқомат қилувчи Баҳодир аканинг кенжа қизи Дилбар Холжигитовага шу йил қишда Халқаро таэквондо федерацияси президенти Чои Жунг Ҳвадан унинг I ДАН қора белбоғ соҳиби бўлгани ва ўзининг мустақил мураббийлик фаолиятини бошлаши мумкинлиги ҳақидаги сертификат келди.

Шу ва бошқа оламшумул янгиликлардан батафсил бохабар бўлиш мақсадида Гулистонга бордик. Дилбар билан суҳбатлашдик. Гапнинг буёғини унинг ўзидан эшитинг:

— Спорт инсонга ўзини-ўзи тарбия қилишни ўргатади, дейишади. Рост экан. Ўзимдан қиёс. Қаранг, отам қўлимдан етаклаб мактабимизда очилган спорт тўгарагига олиб борганларига ўн икки йил бўлибди. Ўшандаёқ ўзимни ҳақиқий спортчидек ҳис қила бошлаганман. Негаки, у ердаги муҳит, шарт-шароитлар, устоз ва мураббийлар сабоғи мени спортнинг сирли оламига олиб кирди. Жанг санъати сирларини моҳир спортчилардек чаққон бажариш ва рақибни мағлуб этишнинг ўзига хос усулларини илк бор ўша ерда ўргандим. Бу спорт турининг ўсмирлар жисмоний тарбиясида, хусусан, умуртқа поғонаси ва бошқа аъзоларнинг соғлом ривожланишида ўрни катта экан. Таэквондо мени батамом сеҳрлаб қўйди, ва албатта, дунё танийдиган спортчи бўламан, деб аҳд қилдим.

Менинг бу ниятим шунчаки ёшлик ҳаваси эмасди. Ҳарқалай, буни ўтган қисқа фурсатда эришган ютуқларим билан исботлай олдим, деб ўйлайман. 2010 йилда Ўзбекистон очиқ чемпионатида илк зафар қучган бўлсам, кейинги йили Осиё чемпионатида ёшлар ўртасида якка ва жамоавий баҳсларда фахрли 2-ўринни эгалладим. 2014 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг филология йўналишига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Бу муваффақиятларим шу йилнинг 9-22 март кунлари Таиландда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида ҳам якка, ҳам жамоавий баҳсларда тенгсиз, деб топилишимда муҳим омил бўлди. Рости, Бангкокда эришган бу муваффақиятим замирида бошқа бир сир борки, уни ғурур билан айтмасам бўлмайди.

Биласиз, жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари вилоятимиз сайловчилари билан 5 март куни учрашди. Учрашувда мен ҳам иштирок этдим. Вилоятимиз ёшлари номидан гапириб, эришаётган ютуқларим, келгусидаги режаларимга тўхталдим. 9-22 март кунлари Таиландда ўтказилаётган жаҳон биринчилигида иштирок этишимни айтиб, албатта, Ватанимиз байроғини мадҳиямизга ҳамоҳанг баланд кўтариш учун Президентимизга ваъда бердим. Юртбошимиз оқ фотиҳа бериб, омад тиладилар.

Мусобақага кетаяпман-у, Юртбошимизнинг ёшларга “Болаларим, менинг фарзандларим! Маррани доимо баланд олиб яшанг! Давр бизники, марра бизники”, деган сўзларини хаёлан такрорлайман ва аллақандай куч топгандай бўламан. Самолётнинг товуши “Дунё мамлакатлари, тайёрланинг! Ўзбекистон фарзандлари келмоқда”, деяётгандек эди гўё!

Чемпионат бошланди. Навбат менга келди. Рости, устозларим “Йирик мусобақаларга чиққанингда умринг давомида босиб ўтган йўлинг кўз олдингдан худди кино тасмасидек ўтади. Ундан тегишли хулоса чиқара олсанг, ғалаба сенинг изимингда бўлади”, деганларида ишонмагандим. Лекин бу ҳақиқат экан. Ўзимни йўқотмадим. Президентимизнинг омад тилаган самимий сўзлари қулоғим остида жаранглади гўё. Кутилмаганда пайдо бўлган қандайдир шиддат кучимга куч қўшди, иродамни мустаҳкамлади. Бир неча кучли рақибларни мағлубиятга учратдим. Якка ва жамоавий баҳсларда ғолиб бўлдим. Шоҳсупанинг биринчи поғонасида турганимда мадҳиямиз янгради, байроғимиз баланд кўтарилди. Қувонч ёшларимни яширолмадим. Назаримда Юртбошимиз менга қараб “Баракалла қизим! Ишончни оқладинг!” деяётгандай бўлди...

Куни кеча, яъни 18 апрел куни Гулистон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган тадбирдаги ҳаяжоним жаҳон чемпионатидаги ҳаяжондан ўн карра устун бўлди. Юртбошимизнинг ғалабам билан қутлаб юборган совғаларини Президентимизнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов қўлидан қабул қилиб олар эканман, шу табаррук юртда туғилиб ўсганимдан, шу муқаддас замин, шу азиз Ватан фарзанди эканимдан яна бир бор чексиз фахр ҳиссини туйдим. Ватаним олдида адо этишим керак бўлган бурч, қилажак хизматларим ҳали жуда кўп эканини, юртимизни шон-шарафларга буркаш биз, ёшларнинг энг улуғ ишимиз эканини янада теранроқ англадим.

Демак, биз, ёшларнинг асосий ғалабаларимиз ҳали олдинда!

...Дилбарнинг ҳикояси Президентимизнинг агар биз Ўзбекистоннинг бутун дунёга ном қозонишини истасак, юртимизнинг қайси ҳудудида бўлишидан қатъий назар, йилт этган истеъдод эгаларини излаб топиш ва қўллаб-қувватлашга барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак, деган сўзларини ёдга солди.

Булар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, ўзбек ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган ютуқлардан Дилбар Холжигитова ҳаёти мисолида бир лавҳа, холос.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА махсус мухбири.
ЎзА фотомухбири
Отабек МИРСОАТОВ
олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, оғишмай амалга оширилмоқда, — дейди бирлашма бўлим мудири Ш.Баҳриддинов. — ЎзКУФК бюджети ҳисобидан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига уч юз минг сўмдан пул мукофоти, мустақиллик йилларида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оиласига икки юз минг сўмдан манзилли моддий ёрдам берилмоқда. Жойларда ўтказилаётган “Маънавият соатлари”да мамлакатимизда кексаларни эъзозлашга катта эътибор қилинаётгани, уруш ва меҳнат фахрийларининг матонат ва қаҳрамонликлари қадрига етиш, мамлакатимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраш қанчалар муҳим эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ — ФАХРИЙЛАРГА

Меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзини англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида “Жасорат, бурч, матонат” шиори остида “Эъзоз”, “Авлодлар учрашуви”, “Эҳтиром”, “Фахрийлар — фахримиз” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг, кексаларнинг мамлакатимиздаги тарихий қадамжолар ва диққатга сазовор жойларига зиёратлари уюштирилмоқда.

Бахмал туманининг Лойқа қишлоғида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ уруш ногирони, 96 ёшли Абдуҳолиқ ота Мамараҳимов хонадонига бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари совға-саломлар билан кириб келишди.

— Барака топинглар, болаларим, бошим осмон қадар юксалгандек бўлди, — дейди шодлигини яширолмай отахон. — Ҳалиям телевизор томоша қилиб, газетани қўлимдан қўймайман. Хабарим бор, мамлакатимизда энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари фаолиятида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Саъй-ҳаракатларингиз туфайли ҳар байрам ва қутлуғ саналарда биз фахрийлар ҳам эътибордан четда эмасмиз. 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб аталгани ва Давлат дастури қабул қилингани эса руҳимизни янада кўтариб юборди, танамизга куч-қувват бағишлади. Ана шу дастур доирасида яқиндагина менга замонавий телевизор ҳамда қимматбаҳо қўл телефони совға қилган эдингиз. Бугун эса Хотира ва қадрлаш куни — умумхалқ байрами муносабати билан Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг пул мукофоти билан яна йўқлаб келибсизлар... Эзгулик йўлида ҳеч ҳам толманг, азизларим. Барчангизга чин дилдан раҳмат.

Касаба уюшма фаоллари шу куни туманнинг Каттақишлоқ, Галдиравут қишлоқларида яшовчи уруш қатнашчилари, биринчи гуруҳ ногиронлари Ҳамро бобо Норжигитов, Ҳаким бобо Мирзабеков хонадонида ҳам бўлиб, уларга касаба уюшмаларининг 300 минг сўмлик пул мукофотларини топширдилар.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

***

Байрам арафасида мамлакатимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам уруш ва меҳнат фронти фахрийларига Президентимиз Ислом Каримов номидан “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали ва бир марталик пул мукофотлари тантанали равишда топширилмоқда.

Эзгу иш касаба уюшмалари томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Ҳудудда истиқомат қилаётган 298 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийларига 300 минг сўмдан, 23 нафар хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласига 200 минг сўмдан пул мукофотлари берилди.

— Кекса авлод кўнглида доғ бўлиб қолган замонлар заҳрини бугун юртимизда кўрсатилаётган меҳр тафти ювиб кетаётир, — дейди Пастдарғом туманининг “Жарқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тармаш ота Йўлдошев. — Обод диёримизга кўз тегмасин. Шу кунларга етказганига беадад шукрлар бўлсин.

Тадбирда қатнашган Иштихон туман Тўқмоқ қишлоғида яшовчи Маҳбуба Кўбаева шундай деди:

— Турмуш ўртоғим Бобомурод Тожиев Ватан осойишталиги йўлида жон берди. Икки нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказаяпман. Ўғлим Муҳаммадали ҳам ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилади. Уни отасидек мард, жасур қилиб тарбиялашга интиляпман.

Нурилла ШАМСИЕВ,
“Ishonch” мухбири

БОШЛАНҒИЧДА ТАШКИЛОТЛАРДА

ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН

Вилоят аҳолисининг фаровонлигини оширишда “Сурхондарё озиқ-овқат моллари” АЖнинг ҳиссаси катта. Айниқса, тоғ ва чўл ҳудудларидаги туманларга маҳсулотлар марказлашган ҳолда етказиб берилаяпти. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан, жамият ишчилари 40 турдан ортиқ ижтимоий ёрдамдан баҳраманд бўлмоқда.

— Жамиятимизда меҳнат қилаётган 5 нафар хотин-қиз, 30 нафардан зиёд ёшлар, фахрийларимиз, пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш мақсадида амалдаги жамоа шартномамизга қатор қўшимчалар киритдик. Яъни, санаторий ва профилакторийларга навбатсиз, жамият ҳисобидан юбориш йўлга қўйилди. Сурхон воҳасининг диққатга сазовор қадамжоларига саёҳатларга олиб борилади. Ёрдамчи хўжалигимизда етиштирилган картошка, пиёз, карам, сабзи каби маҳсулотлар ходимларга бепул тарқатилади, — дейди касабақўм етакчиси М.Тошбеков.

Яна бир гап. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қолипли нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Бундан ташқари, иссиқхона ташкил этилиб, унда помидор, бодринг, булғор қалампири каби деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Жамият ишчилари уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

Ишчилар жамоа шартномасига мувофиқ, махсус иш қуроллари, кийим-бош билан таъминланган. Зарарли шароитда ишлаётган ишчиларга сут ёки унга тенглаштирилган маҳсулотлар берилиши йўлга қўйилган. Ҳар бир цехда дам олиш, ювиниш хоналари мавжуд. Ходимлар касаба уюшмалари ёрдами билан “Чинобод”, “Турон”, “Ботаника” каби сиҳатгоҳларда дам олдирилмоқда. 35 нафар ишчи “Омонхона”, “Сангардак”, “Хонжиза” дам олиш масканларида хордиқ чиқаришди. Ишчиларнинг фарзандлари ёз мавсумини вилоятдаги “Вахшивор”, “Мироб”, “Сурхон” каби оромгоҳларда мароқли ўтказишмоқда.

Жамиятнинг барча цехларида касаба уюшма қўмитаси томонидан маънавият-маърифат хоналари, спорт майдончалари ташкил этилган. Касаба уюшма ташаббуси билан уюштирилган “Спорт — саломатлик гарови” шиори остидаги оилавий мусобақаларда Улуғбек Хуррамов оиласи ғолибликка эришиб, вилоят босқичида 3-ўринни қўлга киритди. Велоспорт мусобақаларида эса Анвар Пардаев ва Ҳасан Тошпўлатов вилоят ҳамда республика мусобақалари совриндорлари бўлишди.

Кези келганда, эҳтиёжманд оила фарзандларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашни истардик. Эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига кийим-бош, ўқув дарсликлари совға қилинмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 12-“Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчиларига ёрдам кўрсатилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

НАМУНАЛИ БЎЛИШГА ИНТИЛАМИЗ,

— дейди Қува туман ободонлаштириш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Нодира Холбекова

Дунёда шундай касб эгалари борки, қишнинг қировли қаҳратони, ёзнинг жазирамаси демай, кўча, гузар ва хиёбонларимизга файз киритишдан тинмайдилар. Уларни бежизга “сариштелик фариштелари” дейишмайди.

Қува туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимлари ва касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида бошланғич ташкилот раиси Нодира Холбекова билан суҳбатлашдик.

— Корхонамизда 410 киши меҳнат қилади, уларнинг 270 нафари фаррошлардир, — дейди суҳбатдошимиз. — Йил сайин ишчи-ходимларимизнинг меҳнат ва дам олиш шароитлари яхшиланиб бораётганидан хурсандмиз.

Ўтган йили туманимизнинг Асака йўли Қува чегарасида намунавий тарзда барпо этилаётган 49 та уйни қуриш ва ободонлаштиришда фаол қатнашдик. 2 нафар фаррошимизнинг уйлари бошқармамиз ишчи-ходимларининг кучи ва хайрия маблағлари ҳисобидан қуриб битказилди. Айни кунларда Асака йўли Қува чегарасида жойлашган 11 та хонадон ҳовлисини ва кўчаларни ободонлаштиришга киришганмиз.

—Ишчи-ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида янги техника воситалари билан таъминлашга бугунги кунда катта эътибор қаратиляпти. Мазкур йўналишда қандай ўзгаришлар бор?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги қарорига асосан туман маркази ва қишлоқ аҳоли пунктларини тозалаш участкаси иш бошлади. Махсус автотранспорт воситалари, ахлат ташигичлар, булдозерлар, юк ортгичлар ва ағдарма машиналар ҳамда асбоб-ускуналар (автоторозилар) харид қилиниши ишимизни янада енгиллаштирди. Йил давомида 3 та “ISUZI” чиқинди ташиш автомашиналари сотиб олинди. Яна бошқа турдаги транспорт воситалари учун “Фарғона Самавтотех сервис” МЧЖ билан шартнома тузилган.

Туман ҳокимининг тегишли қарорига асосан 2014-2015 йилларда чиқинди тўплаш шохобчаларини ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш дастурига мувофиқ туман марказидан 25 км.гача масофада жойлашган шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида бир ҳафтада камида 2 марта, туман марказидан 25 км.дан узоқ масофадаги қишлоқ аҳоли пунктларида бир ҳафтада камида бир марта махсус автотранспорт хизмати ташкил этилган. Шунингдек, туман аҳолисининг фаровонлиги ва ободлиги учун бир қатор режалар амалга оширилмоқда.

— Йил давомида жамоа шартномаларига асосан ишчи-ходимларга яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазаси ва дам олиш шароитларидан кўнглингиз тўлдими?

— Ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, ишчи-ходимларга яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари туфайлигина самарадорликка эришиш мумкин. Ўтган йил давомида ишчи-ходимларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик.

Жумладан, 8 нафар ходим оромгоҳларда дам олиб, даволаниб келди. Байналминалчи Бахтиёржон Тошбоевга бепул йўлланма олиб берилди. 11 нафар фаррошнинг фарзандлари “Чимён” болалар оромгоҳида дам олдирилди. Улар учун касаба уюшма ҳисобидан 891 минг сўм сарфланди.

Мухтасар айтганда, фаолиятимиз учун барча шароитлар муҳайё. Мақсадимиз, намунали касаба уюшма қўмитаси бўлиш ҳамда ходимларнинг ишончли ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоячиси бўлиб қолишдир.

“Ishonch” мухбири
Абдулҳай ЮНУСОВ
суҳбатлашди

ЁЗ — 2015

ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Нукусда болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси У.Жалменов бошқарди.

Ўтган йил ёзги таътил чоғида республика оромгоҳларида ўн минг тўққиз юз нафар бола ҳордиқ чиқарди. Дам олиш масканларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан таъминлаш, хавфсизлик чораларини кучайтириш, оромгоҳлар учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли дастурий ишлар бажарилди. Қўнғирот сода заводи, “Элликқалъа глобал текстил” корхонаси, “Устюрт қидириш-бурғулаш” компанияси ва “Нукус текстил” МЧЖларида коллеж ўқувчиларининг меҳнат қилиши ва дам олиши ташкил этилди.

Жорий йилда ҳудуддаги мавжуд 20 та кундузги ва 6 та стационар оромгоҳларда 11 минг нафар боланинг мазмунли дам олишини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Қатор вазирлик ва ташкилотлар мутасадди вакилларининг иштирокида ўтказилган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ йиғилишида галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

2015-yil 21-aprel, seshanba, № 49 (3554), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

НАВҚИРОН АВЛОД ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилда Федерация Кенгаши раиси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ёшлар кенгаши фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ва шу асосда кенгашимиз тузилмаси кўриб чиқилди. Низом ҳам қайта ишланиб, тасдиқланди. Тузилмани такомиллаштириш ва келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш мақсадида кенгайтирилган мажлис ўтказилди. Федерацияга аъзо ташкилотлар ва ҳудудий бирлашмалардаги Ёшлар кенгашлари фаоллари учун семинар ташкил этилди. Кенгашимизнинг янги раиси ва унинг икки нафар ўринбосари сайланди ва келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Ишлаётган ва таълим олаётган ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий кафолатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш борасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, Федерация томонидан "Ёш мутахассислар" форуми анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг "Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини 2014-2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори доирасида ёшлар учун қўшимча кафолатлар бериш бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш мақсадида уларнинг ХМТ Конвенциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказиш, амалдаги нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этди.

Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтган йилда Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йиллар учун тузилган Бош келишувга "Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар" бўлими киритилди. Унда ХМТ Конвенцияларига риоя этилишини таъминлаш, жамоа шартномалари ва келишувларида ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида қўнимлилигини алоҳида назоратга олиш, ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш каби бандлар акс эттирилган. Шунингдек, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилди. Бу орқали ишга қабул қилинган ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимояси таъминланишига эришилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартда қабул қилинган «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида Федерация Кенгашининг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Шунингдек, Сирдарё вилоятининг



Ховос тумани мисолида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришда вазирлик, идора ва ташкилотларнинг туман (шаҳар), ҳудудий бўлинмалари ва марказий аппарати томонидан амалга ошириладиган асосий вазифалар юзасидан ишлаб чиқилган тизимга кўра, касаба уюшма ташкилотлари бир қатор ишларни йўлга қўйди. Жумладан, жойларда битирувчилар учун ишга қабул қилинганда бериладиган имтиёзларни тушунтириш юзасидан ўқув машғулотлари ўтказишда касаба уюшмалари фаоллари, масъул идоралар вакилларидан иборат мутахассислар рўйхати ва коллежлар кесимида ўқувлар ташкил этиш жадвалининг тасдиқланиши, бириктирилган касаба уюшма фаоллари томонидан коллежларда ҳафтанинг белгиланган кунида намунавий ўқув материалларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказилиши ҳамда тақдимот материалларининг тарқатилиши кабиларни таъкидлашни истардим.

Хориждаги касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолият ҳам, ўйлайманки, кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Ўтган йилда 4 нафар аъзомиз Федерация Кенгаши делегацияси билан Молдовада уюштирилган «Ҳозирги кун шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солиш» мавзуидаги ўқув курсида иштирок этди.

Кенгашимиз жорий йилда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ишларини янада кучайтиришни режалаштирган. Шунингдек, Федерацияга аъзо ташкилотлар, ҳудудий бирлашмалардаги Ёшлар кенгашлари таркибига обрў-эътиборга эга, билимли, ташаббускор, шижоатли мутахассисларни жалб этиш устида изланишлар олиб борилаётир.

Шу билан бирга, касаба уюшмалари тизимидаги ёш истиқболли кадрлар захираси яратилади ва уларнинг юқори касаба уюшма ташкилотларида амалиёт ўташи йўлга қўйилади. Ишларимизни кенг тарғиб этиш мақсадида "Facebook" ижтимоий тармоғида саҳифа ташкил этилиб, фаолиятимиз доимий равишда ёритиб борилади. Шунингдек, ёшларнинг меҳнат муносабатларига оид қонун ҳужжатлари, халқаро меҳнат стандартлари, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро Конвенциялар қоидалари, тайёрланаётган қонунлар, Ҳукумат қарорлари, жамоа келишуви ва шартномалари лойиҳаларининг ёшлар ҳуқуқларига оид масалалар бўйича жамоат экспертизасини ўтказишда иштирок этамиз. Ёшларга оид бандлик дастурининг амалга оширилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини кучайтириш, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ишга жойлашган ёшларга корхоналарда зарур шарт-шароитларни йўлга қўйиш, мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар банкини яратиш, ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг тарғиб этишга қаратилган лойиҳа ва акциялар ташкил этиб, уларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам режа ва мақсадларимиз сирасига киради.

Бугина эмас. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат ва Федерация Кенгаши дастурлари асосида ёшлар ўртасида турли маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, кўриктанловлар, илмий-амалий анжуманлар, форумлар ўтказиш ва иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ҳам касаба уюшмалари нуфузини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, Федерация Кенгашининг Ўқув марказида «Ёш касаба уюшмаси кадрлари мактаби»ни ташкил этишни режалаштирганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида Юртбошимиз иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани ҳақида гапириб: «Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамиз. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз деб билганимиздадир», дея эътироф этди. Бу сўзлар биз, ёшларни ўзимизга ва келажакка ишончимизни ошириб, Ватан ободлиги ва халқ фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти йўлида тинимсиз изланишга даъват этиб, янада катта ютуқлар сари ундайверади.

"Ishonch" мухбири
Салим АБДУРАҲМОНОВ
ёзиб олди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
"Фарғона вилояти Бағдод туманида 41-сонли умумтаълим мактаби янги қурилиши" (315 ўқувчи ўринли ўқув блоки, 12х24м ўлчамли спорт-зал ва бошқа объектлар).
Бошланғич нархи: **2 231 537 443 сўм ҚҚС сиз; 2 677 844 931 сўм ҚҚС билан;**
Муддати — **1.08.2015 йил.**
Қурилиш-монтаж ишлари: **Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.
Буюртмачи: Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй, тел:(373) 401-52-05, 401-52-01
Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, +99898 276-25-48 .
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси, 37-уй манзилда ўтказилади.*
Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 4 августдаги 200к-ПО-сонли буйруғига асосан, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Беларик кўчаси, 18- ва 22-уй манзилида жойлашган "Виардо" меҳмонхона мажмуаси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.
Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 13 апрелдаги 57к-ПО-сонли буйруғи ва 2015 йил 16 апрелдаги 06/391х-сонли хати.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1- «А» уй. Тел: (0371) 228-80-26. Лицензия: RR-0001.
Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 6 майдаги 96к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб, 2015 йил 27 мартда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ (Олимбекова) кўчаси, 40-уйда жойлашган, умумий майдони 3545 кв.метр бўлган, бино-иншоотлар мулкий мажмуаси, бошланғич баҳоси — 2 679 460 000 сўм, сотилиш баҳоси– 2 770 000 000 сўм.
Хизматлар лицензияланган.

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Универсал Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳар, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2015 йилнинг 19-,20-,26 май кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади. Ушбу «Ким ошди» савдосида «Агробанк» АТБ Сурхондарё вилоят ҳудудий филиали томонидан савдога чиқарилган ГБАСНГНЕКСИЯ2SOHCCGL русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, 75/181 ААА давлат белгили техник соз ҳолатдаги автомашина сотувга қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 24 615 088 сўм.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё универсал Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, "Хамкорбанк" АТБдаги х/р: 20208000400426628001, МФО:01001, ИНН:303172243 га сотилаётган автомототранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: савдо кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Ушбу ким ошди савдосида сотилмай қолган автомототранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 11-,12 июн куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: (8-376)-223-07-96.Гувоҳнома № 637.
Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ 22-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи:
1."Фарғона вилояти Данғара туманидаги «Наймансой» каналини реконструкция қилиш ишлари ".
Бошланғич нархи: **717 874 207 сўм ҚҚС билан; 598 228 506 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати — **2,5 ой.**
2."Фарғона вилояти Данғара туманидаги «Сирдарё» дамбасини реконструкция қилиш ишлари".
Бошланғич нархи: **1 888 110 481 сўм ҚҚС билан; 1 573 425 400 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати — **3 ой.**
Манзил: Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй, тел:(373) 244-70-85, факс: (373) 224-70-85
Қурилиш-монтаж ишлари: **Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**
Танлов савдосида фақат Давлат реестрга киритилган пудрат ташкилотлари иштирок этади.
Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказилаштирилган манбалар ҳисобдан молиялаштирилган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар кўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй, телефон/факс: (373)244-68-90, 998-98-276-25-48
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 92-уй* манзилда ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:
1. Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Шоликор (Юбилейная) кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:
- ер майдони — 70230 кв.метр.
- умумий майдони — 561 кв.метр.
Бошланғич нархи — 3 340 506 594 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.
2. Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимлиги тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Олтинтепа кўчаси, 230-уй манзилида жойлашган собиқ 196-сонли мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
- умумий майдони — 1522 кв.метр.
- ғолиб харидорга ушбу объектни 5 (беш) йил давомида мактабгача таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатиши мажбурияти юклатилади.
Бошланғич нархи — 3 444 573 654 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.
3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино.
Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи.
- умумий майдони — 486 кв.метр.
Бошланғич нархи — 617 321 036 сўм.
Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси.
Фаолият ихтисоси: Қурилиш назорати.
Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.
Аукцион савдоси 2015 йил 25 май куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уйда ўтказилади.
Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 8-, 22 июн, 6-, 20 июл, 3-,17-, 31 август, 15-, 29 сентябр, 14-, 28 октябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.
Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: «Ипак йўли» АИТБнинг Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.
Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.
Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:
- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уй.
Маълумотлар учун телефон: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.
Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.
Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли "Ишонч телефони"га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!
Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Элликқалъа туман кенгаши жамоалари "Арол болалари" соғломлаштириш маркази директори
Қурбаназар КАЛАНДАРОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари таҳририяти жамоаси "Ishonch-Доверие" газетаси масъул котиби Валентина Марценякка акаси
Владимир МАРЦЕНЯКнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 21-aprel, seshanba, № 49 (3554), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳрида яшовчи созгар уста Рашидхон Юсупов қарийб ўттиз йилдан буён миллий чолғу асбоблари ясаш ва таъмирлаш билан шуғулланади.

МИЛЛИЙ МУСИҚА СЕҲРИ

Болалигидан миллий мусиқага, айниқса, дутор ва рубоб чалишга қизиққан Рашидхон кейинчалик устозлари Ваҳобжон Абдуллаев, Саидхўжа Холдорхўжаевдан соз ясаш сирларини ўрганди. Бугунги кунда унинг ўзи ҳам ўнлаб ёшларга устозлик қилмоқда. Мўъжаз устахонасида ҳамиша иш қизғин.

Суратда: *уста Рашидхон Юсупов шогирди Азизбек Ғанижонов билан.*

ЎзА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

“УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015”

ЗАМОНАВИЙ «ОЛИМПИЯ»

Ўғил-қизларимизнинг соғлом ва маънан етук инсон бўлиб вояга етишида спортнинг ўрни муҳим. Бу соҳа ривожига қаратилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар спорт ва соғлом турмуш тарзининг оммавийлашувига хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақалари бугунги кунда мамлакатимизнинг миллионлаб ёшларини янгидан-янги марраларни эгаллашга чорламоқда.

Бу йил “Умид ниҳоллари — 2015” спорт мусобақаларига Хоразм вилояти мезбонлик қилади. Шу муносабат билан вилоятда уни юқори савияда ўтказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Жумладан, Урганч Олимпия захиралари коллежи, Урганч давлат университети, “Ёшлик” шаҳарчаси, Урганч шаҳар 2-академик лицейи спорт зали, кураш, гимнастика заллари, ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари, теннис корти мажмуаси, талабалар бинолари, Урганч шаҳридаги “Олимпия” ўйингоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

— Спорт анжуманининг очилиш ва ёпилиш тантаналари “Олимпия” ўйингоҳида ўтказилиши мўлжалланмоқда, — дейди “Жанубгазқурилиш” акциядорлик жамиятига қарашли “Жанубйўлқурилиш” унитар корхонаси бош мутахассиси Қадамбой Жабборов. — Ўйингоҳни таъмирлашга 800 дан зиёд ишчи иштирок этди.

Ўн уч минг томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган ушбу масканда мухлислар учун алоҳида қулайлик яратилди. Футбол майдонига иқлимимизга мос чим экилиб, у автоматик суғориш ҳамда дренаж тизими билан таъминланади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ўз ранги ва тароватини йўқотмайди. Шунингдек, катта қувватдаги ёритиш ускуналари ўрнатилиб, томошабинларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш мақсадида йирик электрон табло ўрнатиш кўзда тутилган.

Муҳташам ўйингоҳда ёшлар спортнинг барча турлари билан шуғулланиши мумкин. Шунингдек, 8 та зал таъмирланди. Ўйингоҳда ҳакамлар хонаси, футболчилар учун дам олиш, ювиниш, кийиниш хоналари ҳамда 2 та тамаддихона, анжуманлар зали, матбуот маркази деярли тахт ҳолатга келтирилди.

— Келгусида бу ерда томошабинлар учун барча қулайликлар яратиш мақсадида кириш ва чиқиш секторлари 4 тага кўпаяди. Бу, ўз навбатида, нуфузли мусобақаларни қабул қилиш имконини яратади, — дейди ўйингоҳ директори Шавкат Ваисов.

Бундан ташқари, ўйингоҳнинг Ғарб томонида табиий ва сунъий чимли майдончалар қурилади. Айни пайтда, бассейн, “Олимпия” меҳмонхонасида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Чор-атроф ободонлаштирилиб, 20 турдаги манзарали кўчатлар экилмоқда.

Ўғилжон РАҲИМОВА

ТАБИАТ ШИФОХОНАСИДАН

Ўрик меваси бош мия фаолиятини яхшилаш, хотирани мустаҳкамлаш хусусиятига эга. Саратон касаллигининг олдини олади. Чунки ўрик таркибида кучли антиоксидант моддалари бор. Бунинг учун кунига 7, 8 та ўрик ёки 10 тадан туршак еб туриш керак. Турли шишларни кетказишда ўрик шарбатининг фойдаси катта. Бунинг учун 100 грамм туршак 1 литр қайноқ сувда дамланади. Сўнг докада сузиб олиниб, кунига 7 маҳал ярим пиёладан ичилади.

ЎРИКНИНГ ФОЙДАСИ

Юрак-қон томир хасталикларига чалинмаслик учун кунига 70, 100 грамм ўрик туршаги истеъмол қилиш керак. Шунингдек, ўрик аёлларга гўзаллик улашувчи мевалар турига киритилган. Косметик дўконларда ўрикли пардоз воситасини учратишингиз мумкин. Ўрик мағзи ва сувидан тайёрланган махсус эритма юз терисини яхши тозалаб, соғлом кўриниш беради. Ўрик мағзи қўл ва оёқ терлашининг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади.

Ўрикнинг мағзидан олинган мойи, сметана ва табиий ўрик суви аралашмаси юз терисига 20, 25 дақиқа суриб, кейин ювилса, майда ажинларни бартараф қилади. Худди шу шарбат соч учун ҳам фойдали.

Гулноза МИРЗАЕВА
тайёрлади

МУЛОҲАЗА

АНЪАНАМИ ЁКИ ДАБДАБА?

Ота-онани ҳурмат қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш, ҳашар йўли билан маҳалла-кўйни обод қилиш, яқинларининг яхши-ёмон кунида елкадош бўлиш каби урф-одатларимиз замон эврилишларидан омон-эсон ўтиб, бугунги кунда миллатимиз фазилатларини, қиёфасини ўзида акс этган бебаҳо анъаналар сифатида яшаб келаётир.

Айниқса, ўзбекона тўйлар ва келин салом каби иффат ва нафосатга, гўзаллик ва шодиёналарга тўла маросимларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин дабдабабозликка берилиш каби ҳолатлар ҳали-ҳануз орамизда учраб тургани афсусланарли ҳолдир. Тўйлардаги сарполар, базмлардаги дабдабалар, тўйдан кейинги удумлар... Масалан, никоҳ маросимларига никоҳни қайд этиш учун эмас, балки: “Мен сендан камми?”, деган маънода камида ўнта бир хил русумдаги ва бир хил рангдаги машиналарда боришмоқда. Қиз тараф тўй муносабати билан мебелларнинг барча турини, кир ювиш машинаси, чанг ютгич, қимматбаҳо идишлар харид қилиб, чиқимдор бўлиб қолмоқда.

Анъаналар дабдабага айланса, эзгулик бир четда қолиб, оғир қийинчиликлар ва ташвиш келтириши ҳаётда кўп бор исботланган. Буни шу миллатнинг фарзандиман, деган ҳар бир инсон ёдда сақлаб, амал қилмоғи даркор.

Мамлакат КАРИМОВА,
Сирдарё туман
2-ФҲДЁ бўлими
мудираси

ОВЧИ ҲИКОЯЛАРИ

КАКЛИКЛАР

Осмонсой кенгликларини какликлар макон қилиб олган. Қуёш чарақлаб чиққан палладa бу қушлар тўда-тўда бўлиб ингичка, майин ва ёқимли сайраши билан кўнгилларга завқ-шавқ бахш этади.

Тоғ какликларининг ташқи кўриниши малларанг, дашт ва чўл какликларини эса кулранг бўлиб, харсангтош, бута ва шох-шаббалар орасида тезда илғаб олиш қийин. Бу эса уларни турли хавф-хатарлардан сақлайди.

Какликлар тўдасига нари етакчилик қилиб, унинг бир эмас, бир нечта жуфти бўлади. Улар осмону фалакка кўтарилганида бирор хавф-хатар туғилгудек бўлса, нар қуш «қуқ-қуқ»лаб тўдани огоҳлантиради. Қолганлари эса унга эргашади.

Нарвон билан Қўйтош тоғлари туташган жойда тоғбеги Носир амакининг вагон уйи бўлиб, тепаликдан Осмонсой кенгликлари кўзга яққол ташланиб туради. Биз қишки таътил кунлари бу ерга келиб, Носир амакининг қизиқарли суҳбатларини тинглар, баъзан бир неча кун қолиб кетардик. Бу оқшом тоғбеги какликлар гала-гала бўлиб харсангтошлар оралиғида уйқуга кириши ҳақида сўзларди. Кутилмаганда ташқарида какликларнинг қанот қоқиб учиши ва қичқириғи тунги тинчликни бузди. Кейин яна сокинлик ҳукм сурди.

— Яна тулкилар уларнинг уйқусини бузди, — деди тоғбеги ташвишланиб. — Энди беозор жониворлар совуқда қотиб нобуд бўлиши ҳеч гапмас.

Биз ҳеч нарсага тушунмай, бир-биримизга қарадик.

— Одатда қиш вақти какликлар тунда бирор тинчроқ жойда зич бўлиб тунайди ва бир-бирини иситади. Энди эса улар ҳар томонга учиб кетишди. Яккаякка қолиб, музлаб нобуд бўлмаса кошкийди, — изоҳ берди Носир амаки.

Шу оқшом шамол кучайгандан кучайиб, аччиқ совуқ тобора авжга чиқарди. Биз эса вагон-уй ичкарисида юмшоқ ўриндиқларга ўрнашиб олиб, тезроқ тонг отишини сабрсизлик билан кутардик.

Нонуштадан сўнг тонг ёришар-ёришмас тепалик томон йўл олдик. Шамол бироз тинчиб, тоғ чўққисида булутлар қуёш нуридан сариқ-пушти рангда жилоланди. Юришимиз қийинлашиб, катта харсангтош ёнида тўхтаб, нафасимизни ростладик. Кўзни қамаштирувчи оппоқ қорда паррандаларни тезда илғаб бўлмасди.

Бу орада пастдан какликларнинг қичқириғи қулоққа чалинди. Шу йўналишда ёнбағир бўйлаб юришда давом этдик. Бизни кўпроқ беозор жониворларнинг тунаган жойи қизиқтирарди. Ниҳоят, айёр тулкининг изларига қараб ўша ерни топганимизда қалин қорда какликларнинг қонидан қолган доғларни кўрдик. Сочилиб ётган патлардан йиртқичнинг атиги битта какликни тутиб олгани, қолганлари турли томонга учиб кетгани аён эди. Шунда биз оқшомги ҳикоялардан тоғбегининг ҳақ эканлигига иқрор бўлдик.

Узоқ елиб-югуришдан сўнг какликларнинг тунда қўниб, тўпланган жойини топгандай бўлдик. Демак, беозор жониворлар бу ердан тонг отиши олдидан юриб ўтишган. Шу излар ортидан боришга аҳд қилдик. Афтидан, улар баланд харсангтош ёнида шамолдан ҳимояланиб, тунни ўтказган бўлиши керак.

Йўлимизда давом этарканмиз, бир пайт какликни босиб олишимга озгина қолди ва уни осонлик билан тутиб олдим. Жонивор совқотганидан қип-қизил тумшуқли бошчасини елкасига қўйганича кафтимда турар, кулранг патларида қора йўл-йўл чизиқлари ва тумшуғи остидаги қора ҳалқаси шундоқ кўринарди. Теваракда яна бир нечта какликнинг қор тагидан боши чиқиб турганига кўзимиз тушди. Биз қушларнинг изларига қараб, улар оёқларини патиллатиб югургани ва ниҳоят қорга ўтириб қолганини тахмин қилдик. Тезда уларнинг патсиз ва қизил оёқларидан тутиб, халталарга жойладик.

Шу куни беозор жониворларни вагон-уйда озиқлантириб, кейин очиқ ҳавога қўйиб юбордик.

Абдулла САИДОВ

Спорт янгиликлари

Эркин кураш

Боку (Озарбайжон) шаҳрида ўсмир ва ёшлар ўртасида якунига етган халқаро турнирда вакилларимиз муносиб иштирок этишди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Мусобақада мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Грузия, Украина, Эрон, Словакия, Туркманистон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган ёш полвонлар ўз вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди.

Ҳамюртларимиздан Рустам Жўраев (46 кг.), Ғулом Абдуллаев (50 кг.), Аббос Раҳмонов (54 кг.) ва Ҳасан Раҳимов ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, турнир ғолибига айланди.

Шунингдек, ёш ва иқтидорли полвонларимиздан Муҳаммадали Обиджонов (46 кг.) ҳамда Ҳусан Раҳимов (85 кг.) эса бу гал бронза медалларига эга чиқишди.

Шахмат

Истеъдодли ёш гроссмейстеримиз Жаҳонгир Воҳидов Буюк Британиянинг Уэкфилд шаҳрида якунланган халқаро турнирда ғалаба қозонди.

ЖАҲОНГИР ЯНА ҒОЛИБ

Жаҳонгир Воҳидов ўтказилган бешинчи партиянинг тўрттасида зафар қучиб, бир ўйинда дурангга имзо чекди. Эслатиб ўтамиз, ҳамюртимиз яқинда Бирмингем шаҳрида ўтган мусобақада ҳам бош мукофотни қўлга киритган эди.

Енгил атлетика

Пекин шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтказилган Гран-При турнирида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медалига сазовор бўлдилар.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Терма жамоамиз ҳисобига олтин медални Мансур Абдурашидов 200 метр масофага югуриш бўйича келтирди. Мансур, шунингдек, 100 метр масофага югуриш баҳсларида кумуш медал совриндори бўлди.

Мазкур турнирда яна икки юртдошимиз Санобар Собирова ядро улоқтириш, Темурбек Ғиёсов эса найза улоқтиришда бронза медаллари билан тақдирланди.

Сузиш

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Раънохон Омонова Москва шаҳрида ўтказилган Россия очиқ чемпионатида совриндор бўлди.

РАЪНОДА БРОНЗА

400 метр масофага комплекс усулда сузиш бўйича ўтказилган мусобақада 4 дақиқа, 50,16 сония натижани қайд этган истеъдодли спортчимиз бронза медали соҳибаси бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
“Ishonch” мухбири

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 22:40
Topshirildi — 23:20
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 415.
19386 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133